RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**УШБУ СОНДА:**

“ТАДБИРКОР БЎЛМОҚЧИМИСИЗ?” 2
АСОССИЗ МУАММО 3
БОШ ДЕВОРГА ТЕККАНДА... 3
МЕҲР-ОҚИБАТ, ЛАФЗ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ 4

**MEZON:**

**Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.**

**Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.**

**Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.**

**“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 37 (443)
2005 йил
4 октябр
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

## КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚ

**Яқинда халқимиз қутлуғ айём — Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллигини байрам қилди. Анъанага кўра, байрам арафасида янги бунёдкорлик иншоотлари ишга тушди, барча соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар сарҳисоб этилди. Шу жумладан, мамлакатимизда ўн тўрт йил мобайнида изчил амалга оширилиб келинаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг самаралари таъкидланди.**




Сир эмас, истиқлол йилларида Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги туб ислоҳотлар кенг кўламда олиб борилди ва бу жараён босқичма-босқич давом эттирилиб, таъбир жоиз бўлса, эндиликда ўзининг янги палласига кирди. Ўтган давр ичида Конституциямиз ва унда белгилаб қўйилган меъёрлар асосида қабул қилинган **“Судлар тўғрисида”**, **“Конституциявий суд тўғрисида”**, **“Прокуратура тўғрисида”**ги қонунлар, Президентимизнинг **“Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида”**ги Фармони ҳуқуқий ислоҳотларнинг қонуний базаси вазифасини ўтади. Мустақиллик даврида бу соҳада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилганда, 2005 йилни суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришдаги энг самарали йил бўлганини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

Бу ўринда яқинда давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган **“Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”**ги ва **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”**ги Фармонларини назарда тутаяпмиз. Мазкур Фармонлар мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида, мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини, эрки ва шахсий дахлсизлигини ҳимоялашга қаратилган инсонпарвар сиёсатнинг изчиллигини яна бир бор намоён этди.

Ҳозирги кунда дунё ҳуқуқшунослари ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан учта назарий йўналишни олдинга суришади. Биринчидан, улар ўлим жазосини зудлик билан бекор қилиш ва буни қонунчиликка киритишни тарғиб қилишади. Иккинчи тоифа олимлар фикрича, жиноятчини жисмоний йўқ қилиш жамиятни оғир жиноятлар содир этувчи шахслардан халос этишни таъминлайди. Учинчи гуруҳ эса ўлим жазосини секин-аста қисқартириб бориб, бекор қилиш зарур деб ҳисоблашади.

Маълумки, ўлим жазоси инсоният томонидан қўлланаётган энг қадимий жазо турларидан биридир. Бу жазо тури аслида, инсониятнинг қонли ўч олиш одатларидан келиб чиққан бўлиб, қадимги вақтларда барча халқлар ва элатлар учун одатий ҳол ҳисобланган. Бу жазонинг тарафдорлари кўплиги боис, у ҳозирги вақтга қадар дунёнинг кўпгина мамлакатларида қўлланиб келинмоқда. Шу билан бирга, эрамиздан олдинги даврларда ҳам ўлим жазосини қўлламаган давлатлар бўлган. Масалан, эрамиздан олдин VI асрда яшаб ўтган Афина давлати подшоси Перикл ўлим тўшагида ётганда, яқинлари яхши ишлари ҳақида мақтов сўзлари айтганида у менинг энг яхши хизматим подшолик қилган давримда ўлим жазосини қўлламадим, халқимга шуни айтинглар, деган экан. Умуман, ўлим жазосининг салбий оқибатлари талайгина. Хусусан, жиноятчини жисмонан йўқ қилиш унинг яқинларини ҳам жамият ичида изза бўлишга, маънавий азобланишга дучор этади. Демак, ўлим жазосининг қўлланилиши фақат бир шахсга эмас, балки жамоага нисбатан ҳам чиқарилган ҳукм сифатида қабул қилинади. Ўлим жазоси бекор қилингач эса ҳар бир фуқаро ўзининг шахсий хавфсизлигига тўлиқ ишонади, яқинларига ва бошқа фуқароларга ишонч кўзи билан қарай бошлайди. Натижада, ҳар бир шахсда жамоат хавфсизлигини таъминлашга ўзининг ҳиссасини қўшиш иштиёқи пайдо бўлади. Шу нуқтаи назардан, ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлакатимизда жамоатчилик онгини соғломлаштиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш ва уни босқичма-босқич жазо туридан чиқариб ташлаш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилди. Зеро, Конституциямизнинг 24-моддасида **“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”** деб белгиланган. Бу таъриф халқаро ҳуқуқий меъёрларга мосдир. Зотан, жаҳон амалиётида ўлим жазосини бекор қилишнинг бешта ижобий асоси мавжуд:

- биринчидан, ҳақиқатда мавжуд бўлган суд хатосини тўғрилаш имконияти;
- иккинчидан, қонун йўли билан қасддан одам ўлдиришни бекор қилиш;
- учинчидан, ўлим жазоси тайинланишининг фойдаси йўқлиги; зеро, жиноят қонунчилигида ўлим жазосининг борлиги оғир жиноятлар содир этилишининг олдини ололмаслиги исботланган;
- тўртинчидан, жиноятларнинг содир этилиши ҳолатлари жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига боғлиқлиги;
- бешинчидан, ўлим жазоси тайинланган маҳкумларнинг ҳукм ижросини кутиб ярим умрларини ўтказилиши оқибатида бу жазонинг қандайдир бемаъни механизимга айланиб қолиши.

Ҳозирги кунда жаҳондаги тараққийпарвар кучлар ўлим жазосини бекор қилишга интилмоқда ва бу борада жиддий ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мисол учун ўлим жазоси 67 мамлакатда тўлиқ бекор бўлган бўлса, 14 та мамлакатда оддий жиноятларга нисбатан бекор қилинган, 23 та мамлакатда ўлим жазоси Жиноят кодексларида бор, лекин амалда қўлланмайди. Ўлим жазосини бекор қилиш бўйича биринчи халқаро конференция 1979 йил Швециянинг Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтди. Конференциядан сўнг 16 та мамлакат ўлим жазосини бекор қилди. Халқаро Амнистия ташкилоти маълумотларга назар солсак, ўлим жазосини бекор қилиш бўйича бажарилаётган ишларнинг кўлами кўз ўнгимизда намоён бўлади. Масалан, 1997 йили 40 мамлакатда 2607 та ўлим жазоси ижро этилган. 2003 йилга келиб ўлим жазосини бекор қилган мамлакатларнинг сони 75 та бўлса, йил охирига келиб 77 тага етган.

*(Давоми учинчи бетда)*

**Munosabat**

***Иккинчи ҳафтадирки, Республика Олий судида шу йилнинг 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ очиқ суд мажлиси давом этаяпти. Уни юздан зиёд хориж оммавий ахборот воситалари ходимлари кузатиб бормоқда. Бироқ Андижон воқеалари рўй берган пайтда айрим хорижлик журналистлар дунёга бўҳтон ахборот тарқатиб, ҳақиқатни тескари талқин этишга уринишган эди. Бугун ғалвир сувдан кўтарилди. Оқ оққа, қора қорага ажраляпти. Хўш, энди улар нима деб аюҳаннос солишаркин?***

## АЙБЛАРИГА ИҚРОР БЎЛИШАЯПТИ

“Халқ исёни бостирилганини” бир исбот этиб кўришсин-чи? Ахир, террорчилик ҳаракатини содир этганларнинг 15 нафари қонли қилмишларини ўз оғзилари билан суд олдида жуда тушунарли қилиб гапиришмоқда. Суд мажлисида жавобгарларнинг ўзлари ҳам чет эл ахборот воситалари вакилларининг воқеа содир бўлишидан аввал келиб жойлашганларини, улар билан тил бириктирилганини очиқ-ойдин тан олишди.

Жуда ғалати ғирромликлар-а?

Биз ўзбекмиз. Бунақа ишларни ҳазм қилишимиз жуда оғир. Ўйлаймизки, шундан сўнг ёлғон хабар тарқатган журналистлар ўзларини қўярга жой тополмай мум тишлаб қолади, факт, далилсиз ахборот бергандан уялиб қолади энди деймиз. Лекин аслида-чи? Аслида ундай эмас. Улар йўриқ олишса бас, тағин бошқача турланиб, товланиб кетишади. Охир-оқибат яна гапни айлантириб “Ўзбекистонда демократия йўқ” дея айбни ўзимизга ёпиштириб қўяқолишади. Бунинг учун исбот ва далиллар суриштириб ўтирилмайди чоғи...

Бунинг сабаби битта: моддий манфаатдорлик. Янаям аниқроғи — пул. У кимнинг мафкурасига хизмат қилаётганини яхши билади. Ҳатто ҳомийлик кўрсатаётганнинг кимлиги ҳам унча муҳим эмас. Муҳими — кимдир уни рағбатлантириб, нафсига яраша луқма билан таъминлаб турибди. Шундай бўлгач, унинг манфаатига хизмат қиладиган ахборот тарқатиш керак. Тамом-вассалом.

Судланувчиларнинг иқрорлари деярли ҳар куни телевидениенинг “Ахборот” кўрсатувида бериб борилаяпти. Матбуотда узлуксиз мақолалар чоп этилаяпти. Халқ қонли жиноятлар содир этганларнинг асл башараларини кўриб, хулоса қиляпти. Ўзларини “Акромийлар” гумашталари деб таништираётган М.Собиров, В.Эргашев, Л. Имонқулов, Ж.Бурхонов, Ф.Ҳамидов, А.Ҳакимов, Ҳ.Туропов, А.Ғозиев, А.Ибрагимовлар жирканч ишларини очиқ бўйинларига олдилар, алдандик, қўрқдик, лекин фалондай, писмадондай одамларни отдик, ўт қўйдик, дейишди.

Ё, алҳазар! Бу хунрез ишлар тил билан айтишга осондир балки. Аммо нобуд бўлганларнинг бирортаси буларнинг арпасини хом ўрган эдими, мушугини “пишт” деб қўйганмиди лоақал! Бу жиноятчи, террорчиларнинг бирортаси бегуноҳ қурбон бўлганлар жигар бандларининг бир томчи кўз ёшига арзирмикан?!

Яна ўйлайсан: булар ёшлар. Ҳар бирининг оиласи, фарзандлари бор. Демакки, ўсмир эмас: очиладиган кўзи очилиб бўлган, алдовга учадиган вақтдан ўтишган. Ўзбекистондай мамлакатдаги конституцион тузумни ағдариб ташлаб, ҳокимиятни ўз қўлларига олишга қандай ишонишдийкин? Ва умуман, “Акромийлар”нинг асл мақсади нима ўзи? Билишимизча, булар ҳам “Ҳизбут-таҳрир” оқимининг бир бўлаги, шундоқ экан, чин “доҳий”лари чет элларда, улардан имдод кутиб, моддий таъминланиб иш кўришади.

Табиийки, мақсадларига “жиҳод” орқали эришмоқчи бўлганлар. Бу сўқир бандаларнинг кўзини 1999 йил 16 февралдаги, ўтган йили Тошкент ва Бухородаги террорчилик оқибатлари очмаган кўринади. Улар нафақат жамият билан, дин ва Худо билан ҳам ўйнашадилар. Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларида Оллоҳ таоло ул зоти мукаррамни инсонларнинг хулқини тузатишга буюргани айтилади. Исломнинг туб моҳияти ҳам шу. VII асрда ширк авж олган, араб қабилаларида маънавий-хулқий тубанлик учига чиққан, пайғамбаримизнинг улар устидан жиҳодга чиқиши зарурат эди. Аммо биз тилга олаётган кимсалар на диндор, на маънавияти тоза, суриштириб келсангиз, бировга оқил бўлишга иқтидори ҳам, маънавий ҳаққи ҳам бўлмаган жиноятчи, жоҳил тўдалардир. Улар лаънатга муносиб.

Мана, Рамазон ойи ҳам кириб келди. Иймонли халқимиз астойдил сўралса, гуноҳлар кечириладиган, яхши амаллари учун кўп ажр-савоблар оладиган бу ойнинг аҳамиятини яхши билади. Бунинг сир-асрорини тушунтирадиган бирор “акромий” ёки “ҳизбут-таҳрир”га муҳтож эмас. Ва гуноҳи учун ҳам улар олдида эмас, ёлғиз Оллоҳ ҳузурида жавобгар эканини яхши билади. Бугунги кунда диний экстремистларнинг асл мақсади жиҳод ҳам эмас, халифалик ҳам эмас, улар пул учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган жоҳиллар, гумроҳлар экани кундай равшан бўлиб қолди. Уларнинг орқасидан эргашаётганлар топаётган “барака” эса мана бу: юзтубан йиқилиш, бетиқоралик, дилсиёҳлик...

Суд тергов ишларини якунлаб, ҳукм чиқарар, қолган 106 нафар айбланувчи ҳам қилмишига яраша жавоб берар. Лекин одамларнинг юрагида Андижон воқеаси деган аламли из қолди. Бу из ҳали-бери ўчмайди. Чунки 187 нафар кишининг умрига зомин бўлган воқеа ҳазилкам эмас. Бу воқеа бизнинг ҳали ҳам етарли даражада ҳушёр эмаслигимизни, орамизда пулга учиб она юртини, боласини, ота-онасини, хотини, нимаики азиз бўлса, ҳаммасини, ҳатто иймон-эътиқодиниям сотиб юборадиган кимсалар учраб туришини кўрсатиб берди. Ўзбек мардликни севади. Мустаҳкам қўрғони ва шерюрак фарзандлари борлигига ишониб яшайди. Йигитларга эса давлатнинг кўрки, таянчи бўлиш ярашади.

**Собир ЎНАР**

**Xabar**

## МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Жорий йилнинг 28 сентябр куни Адлия вазирлигида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида **“Инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида”**ги Меморандумни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Республика Конституциявий суди, Олий Суд, Бош прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий институтлари ва илмий муассасалар ходимлари иштирок этишди.

Маросимда фуқароларнинг Конституциямиз ва бошқа қонунларда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан таъминланиши Асосий қонунда қатъий белгилаб қўйилгани таъкидланди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасида бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган миллий институтлар — Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Марказлари қаторига Адлия вазирлиги ҳам киритилгани эътироф этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарори билан конституция ва қонунларда кафолатланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш Адлия вазирлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Мазкур меморандумни имзолашдан кўзланган мақсад мамлакатимиз қонунлари, Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини янада оширишдир.



Меморандумда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Адлия вазирлиги томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди. Бундай ҳамкорлик ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўзининг ижобий натижаларини беришига ишонч билдирилди.

**Tahlil ko`zgusi**

## ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ ОМИЛЛАР:
### ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Мамлакатимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тўлиқ ҳуқуқий-меъёрий базаси яратилди ва у тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Қонуний кафолат эса тараққиётнинг бош омили бўлиб хизмат қилмоқда.***

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳамда ҳукуматнинг янги таркиби билан учрашувдаги нутқида тадбиркорлик субъектларининг эркинлигини таъминлашга йўналтирилган стратегик вазифалар изчил баён қилиб берилди.

Шу йилнинг июн ойида давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш юзасидан тўртта фармон ва бир қарорнинг қабул қилингани бу соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг тадрижий давомидир.

Авваллари молиявий жарима қўллаш ваколатига 12 та идора, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ваколати эса 6 та идорага берилган эди. Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **“Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонида тадбиркорлик субъектларига нисбатан фақат суд тартибида қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари рўйхати берилган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

***1. Фаолиятни тугатиш.***

***2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш.*** Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

***3. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш.*** Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

*(Давоми иккинчи бетда)*

**Qaror va ijro**

*Давлатимиз раҳбарининг “2006 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Навоий вилоятининг Конимех туманида ғалладан кам ҳосил олингани қайд этилган. Мазкур қарор юзасидан Республика Бош вазири ҳузурида ўтказилган йиғилишда бошоқли дон етиштиришда ўзлаштирилган илғор тажрибалар ва йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинди. Йиғилишда Конимех тумани ғаллакорларининг нуқсонлари, вилоятда кузги бошоқли дон экинлари экиш учун техникаларни созлаш ва ерларни тайёрлаш суст олиб борилаётгани қайд этиб ўтилди. Хўш, бундай аҳволга тушиб қолишнинг сабаблари нима билан изоҳланади?*

## ЕРНИ АЛДАГАННИНГ ЎЗИ АЛДАНАДИ

Конимех тумани, асосан, қоракўлчиликка ихтисослашган. “Шўркўл”, “Чордара” ширкат хўжаликлари ва Ҳамид Олимжон номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида ғаллачилик билан ҳам шуғулланилади. Туманда кейинги йилларда ҳосилдорлик ниҳоятда пасайиб кетди. Сурункасига бир хил бошоқли дон экинлари экилиши оқибатида ғалла майдонларини бегона ўтлар босди. «Шўркўл» сув ҳавзасида сув сатҳи меъёрдан ортиқ кўтарилиши оқибатида 200 гектар ерни шўр қоплади.

Натижа ҳам шунга яраша бўлди: конимехликлар 2005 йил 1200 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан атиги 28,1 центнердан ҳосил олдилар, холос. Илғор хўжаликлар 70-80 центнердан сара дон олаётган бир пайтда бу кўрсаткич жуда паст, албатта.

— Биз 2006 йил ҳосили учун 350 гектар майдонга буғдой экдик, — дейди “Шўркўл” ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Жандилла Донбоев. — Экиш мавсуми учун техника ва ерларни тайёрлаяпмиз. Ҳозиргача ялпи майдонининг ярмидан ортиғига уруғ сепдик. Бор имкониятларни ишга солаяпмиз. Танқиддан тўғри хулоса чиқариб, келгуси йилда ғалладан мўл-кўл ҳосил кўтарамиз, деган умиддамиз.

*(Давоми иккинчи бетда)*

*Шу йилнинг 19 январида Ўзбекистон “Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Бернь конвенциясига қўшилди ва конвенция қоидалари 2005 йил 19 апрелдан мамлакатимизда қўллана бошланди. Айни пайтда дунёнинг 159 мамлакати ушбу конвенциянинг аъзоси ҳисобланади.*

*Фан, адабиёт ва санъат асарлари ҳамда уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган мазкур универсал халқаро шартнома 38 та асосий модда ва ривожланаётган мамлакатлар учун имтиёз берадиган 6 та модда кирган махсус қўшимча бўлимдан иборат.*

Qonun ijodkorligi

# МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ



Бернь конвенцияси оммавий ахборот воситаларида ҳам муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза қилинишини ўз ичига олади. Конституциямизда белгиланган сўз ва матбуот эркинлиги, ахборот олиш ва муаллиф бўлишга доир ҳуқуқлар **“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”, “Ахборот олиш принциплари ва кафолатлари эркинлиги тўғрисида”, “Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлари тўғрисида”, “Реклама тўғрисида”**-ги қонунларда кафолатланган.

Қонунчилик талабига кўра, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) мустақил бўлиб, бирор-бир муассис таҳририятнинг ички ишларига аралашиши мумкин эмас. Даромад олиш, уни тақсимлаш, ходимларни ишга олиш, ижодий материалларни эълон қилиш таҳририятнинг ички ишларига киради.

Муассис ОАВни бошқаришда бевосита таҳририят бош муҳаррири билан шартнома тузади. Шартномада ҳар икки тарафнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатилади. Ҳуқуқ ва мажбуриятлар нималардан иборатлиги, мазмуни эса амалдаги қонунчиликда белгиланган.

ОАВ бошқалар олдида мустақил бўлса-да, ўз фаолиятини амалга ошираётганда амалдаги қонунларга бўйсунади, мажбурият ва масъулиятларини адо этади. Бугунги кун оммавий ахборот воситалари инсонийлик мезонларига ҳурмат билан қараб, фуқароларнинг шаъни, қадр-қимммати, эътиқоди ва шахсий турмушларига алоқадор масалаларга путур етказмаслиги, оила, давлат сири, шунингдек, қонун билан муҳофаза этиладиган бошқа сирларга дахл этмаслиги кўзда тутилади ва бу уларнинг масъулияти ҳисобланади. Фуқаролик кодекси ва бир қатор қонунларда шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқлар доираси, шаън ва қадр-қиммат тушунчаси, тижорат сирлари ва бошқаларга аниқ таърифлар берилган. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 97, 100, 1095-1097-моддаларида конфедициал ахборотлар, тижорат, ишчанлик обрўси ёки шахсий сирларга путур етказувчи ахборотларни тарқатишда маълум чекланишлар мавжуд. Бундай ахборотлар фақат шу ахборотга ва унга тенглаштирилган манбаларга ҳуқуқи бўлганларнинг рухсати билан эълон қилиниши мумкин.

Қонунчиликка асосан, муаллифлик ҳуқуқининг объекти сифатида ахборотлар, мақолалар, бадиий ва санъат, фотография асарлари, интервьюлар ҳимояга олинган. Бу асарлар муаллифларнинг мутлақ ҳуқуқига тегишли бўлиб, муаллиф ҳаётлиги даврида ва вафотидан кейин 50 йилгача ҳимоя қилинади. Ҳар қандай шахс қонун орқали қўриқланаётган асарлардан фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги билан фойдалана олади.

ОАВ муаллифлар олдида муайян мажбуриятларга эга. Бу мажбуриятлар қуйидагилардан иборат:

- муаллифлар билан шартнома тузган ҳолда асарлардан фойдаланиш;
- хорижий муаллифлар ва ҳуқуқ эгаларининг асарларидан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш;
- олинган манбалар ва ҳуқуқ эгалари номларини кўрсатиш;
- асарлардан парча олинганда амалдаги талабларга (манбани кўрсатиш, муаллиф номига ҳавола қилиш ва бошқалар) риоя этиш, асарларнинг дахлсизлигига путур етказмаслик;
- асарларни таржима қилиб эълон этаётганда ҳуқуқ эгаларидан розилик олиш;
- асарлардан фойдаланганда (такроран фойдаланганда), ҳуқуқ эгаларига белгиланган тартибда муаллифлик ҳақи тўлаш;
- бошқа ОАВ саҳифаларидаги ахборотларни эълон қилганда уларнинг розилигини олиш;
- интервью олиш ва уни тарқатишда муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, интервью берувчига муаллифлик ҳақи тўлаш;
- рекламада асарлардан фойдаланишда алоҳида рухсат олиш ва бошқалар.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчиликда муаллифларга ҳақ тўламай ва уларнинг розилигисиз асарларидан қисқа ахборотлар тайёрлаш фавқулодда ҳолатларда фойдаланишга йўл қўйилади. Бу қоида, асосан, жамиятни тезкор ва муҳим ахборотлар билан таъминлаш, воқеа ва ҳодисалар ҳақида фуқароларни хабардор қилиш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган.

ОАВ воситалари олдидаги асосий муаммолардан бири муаллиф билан шартнома тузишни ташкил этишдир. Қонунчиликка кўра, ОАВ таҳририяти биринчи марта асари эълон қилинаётган шахс билан муаллифлик шартномаси тузиши керак. Шартнома фақат ёзма равишда тузилади ва амал қилишининг аниқ муддати кўрсатилади. Шартнома муддатсиз ҳам тузилади. Ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек, почта, телеграф, телетайп, электрон алоқа ёки ишончли равишда аниқлаш имконини берадиган бошқа воситалар ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан ҳам тузилиши мумкин. Шартномада асарлардан фойдаланиш ҳажми ва жанри кўрсатилган ҳолда уларга тўланадиган муаллифлик ҳақи миқдори, асардан такроран фойдаланиш ёки бошқа тилларга таржима қилиш шартлари кўрсатилади. Шартнома томонлардан бирининг олдиндан ёзма равишдаги огоҳлантириши орқали бекор қилиниши мумкин.

Муаллиф асаридан рекламада фойдаланишда алоҳида шартнома тузилади. Бунда рекламанинг хусусияти, фойдаланиш шартлари ва тўланадиган ҳақ миқдори кўрсатилади. ОАВда эълон қилинаётган ҳар бир реклама учун алоҳида шартнома тузилади.

ОАВ таҳририятлари томонидан ўзгалар асарларидан рухсатсиз энг кўп фойдаланиш ҳоллари фотография ёки тасвирий санъат асарларидан фойдаланишда кўринмоқда. Кейинги пайтларда бу турдаги объектлардан рухсатсиз фойдаланиш оқибатида айрим даврий нашрларнинг ҳатто суд идоралари олдида жавоб беришига ҳам тўғри келди.

Умуман, муаллифлик ҳуқуқига риоя этиш, асарлар дахлсизлигини таъминлаш, улардан фойдаланганда тегишли муаллифлик ҳақи тўлаш, саҳифаларини иложи борича ўз материаллари билан тўлдириш таҳририятларнинг асосий вазифаси бўлиши керак.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, ОАВ том маънода “тўртинчи ҳокимият” бўлиши учун амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этиши шарт.

**Бобоқул ТОШЕВ,**
**юридик фанлари номзоди**

# КАФОЛАТЛАНГАН ҲУҚУҚ

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

2002 йилдан буён ҳар йил 10 октябр ўлим жазосини бекор қилиш куни сифатида нишонланади. Чунки шу куни ўлим жазосига қарши бутун дунё коалицияси ташкил топган. Жумладан, Халқаро Амнистия ташкилоти ҳам шу коалицияга қўшилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддаси, 5-қисмида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар учун ўлим жазоси ҳукми чиқарилмайди ва ҳомиладор аёлларга нисбатан бу ҳукм ижро этилмайди, дейилган. Мамлакатимиз Жиноят кодексига биноан, аёлларга нисбатан ўлим жазоси тайинланмайди.

Дунё ҳамжамияти ўлим жазосини бекор қилиш учун астойдил кураш олиб бораётган бир вақтда, вояга етмаганларга ўлим жазоси тайинлаш бўйича АҚШ, Нигерия, Покистон, Саудия Арабистони, Яман ва Эрон давлатларида бу жазо тури қўлланилмоқда. Халқаро Амнистия ташкилотининг 2004 йил 30 ноябрда эълон қилган маълумотига кўра, АҚШда 1990 йилдан 2004 йилнинг охирига қадар 18 ёшга тўлмаганлардан 19 нафарига нисбатан ўлим жазоси ижро этилган, 70 нафар вояга етмаганлар эса ўлим камераларида ҳукм ижросини кутиб ётишибди. Халқаро Амнистия ташкилоти шу муносабат билан бутун дунё мамлакатларига, шу жумладан, АҚШ ҳукуматига ўлим жазосини бекор қилиш, ҳеч бўлмаганда, вояга етмаганларга нисбатан ўлим жазосини қўлламаслик ҳақида мурожаат қилди.

2005 йил 21 апрелда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда дунёдаги барча мамлакатлардан ўлим жазосини бекор қилиш талаб этилган. Бу жазодан воз кечмаган мамлакатлар эса, мораторий қўллаш ва вояга етмаганлар ҳамда руҳий хасталарга нисбатан ўлим жазосини умуман қўлланмаслик кўрсатиб ўтилган.

Ўлим жазосини амалда қўлланмаслик жиноятчиликнинг пасайишига олиб келади. Бу ҳолат БМТнинг 1996 йилдаги хулосаларида ҳам тасдиқланади. Мисол учун Канадада 1975 йили ҳар 100.000 нафар одамга 3 нафар одам ўлдириш жинояти тўғри келган бўлса, ўлим жазосини бекор қилинганидан сўнг бу кўрсаткич 2.5, 1993 йилга келиб эса 2 тага тушган.

Мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эрки ва шахсий дахлсизлигини ҳуқуқий кафолатлашда Президентимизнинг **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”**ги Фармони тарихий ҳужжат бўлди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдаги устувор вазифа ва йўналишлар ҳақида тўхталиб: **“Ўзбекистонда ҳам шахсни ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак”**, деб таъкидлаган эди. 2005 йил 8 августда **“Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”**ги Фармон эълон қилиниши бу фикрнинг тасдиғи бўлди.

Фармонга кўра, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январидан бошлаб судлар ваколатига ўтади. Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш, қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ, уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши белгиланган.

Ҳеч шубҳасиз, қамоққа олиш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгач, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор афзалликлар юзага келади:

биринчидан, суд орқали қамоққа олишга санкция берилган вақтда суд мажлисига гумонланувчи ёки айбланувчи, унинг ҳимоячиси, терговчи, прокурор, жабрланувчи ёки унинг вакили иштирок этади;

иккинчидан, прокурорлар дастлабки тергов устидан назорат олиб бориш жараёнида қамоққа олишга ёзма розилик бериш билан бирга, санкция берилган жиноятчи устидан ҳам назоратни бевосита амалга оширишлари мумкин бўлади;

учинчидан, Европада экстрадиция ва Минск Конвенцияларига кўра, судьяларимизнинг санкцияси билан мамлакатимизда жиноят содир этиб, чет мамлакатларда қочиб юрган жиноятчиларни экстрадиция қилиш осонлашади.

Қисқаси, қамоққа олишга санкция беришнинг суд тартиби белгиланганги жиноят қонунчилиги соҳасида, умуман, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда демократик тамойиллар сари қўйилган яна бир катта қадам бўлди.

**Ф. КОМИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**



*Эъзоз топаётган қадриятлар*

Ogohlik sharti

*Мана, Андижонда қонли фожиалар содир этилганига ҳам тўрт ойдан ошди. Бироқ террорчиларнинг бу мудҳиш қилмишлари ҳали-бери халқ ёдидан, озор ва алам чеккан кўнгиллардан чиқмайди. Албатта, жиноятчилар қилмишларига яраша жазоларини олади, деган ишонч барчамизга таскин беради.*

# БОШ ДЕВОРГА ТЕККАНДА...

Дарҳақиқат, 20 сентябр куни Республика Олий суди биносида Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракати ва бошқа ўта оғир жиноятлар бўйича қўзғатилган жиноий ишнинг дастлабки терговда якунланган қисмига кўра очиқ суд бошланди. Ўн беш нафар айбланувчи ўз қилмишларига иқрор бўлишиб, минг бора афсус-надоматлар билан қилган кирдикорларини баён этиб, пушаймонликларини қайта-қайта билдиришмоқда.

Ҳа, одам боласининг феъли шунақа: унинг йўлдан адашиши осон, бироқ қилмишининг оқибатидан огоҳ бўлгач — боши деворга текканда кўзи мошдай очилади. Айбланувчиларнинг иқрор бўлишиб, бераётган кўрсатмалари уларнинг Ўзбекистондаги мавжуд конституциявий тузумни ағдариш, халифалик давлатини тузишдек хомхаёлга беришганини рўй-рост кўрсатди.

Суд жараёни бошлангунга қадар айрим хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган бўҳтондан иборат хабарлар Андижонда рўй берган фожиаларнинг туб сабабларини хаспўшлашга қаратилгани аён бўлди.

Хўш, мамлакатимизда демократик давлат барпо этилиб, фуқаролик жамияти асослари шакллантирилаётган бир пайтда террорчилик хуружлари рўй бераётганининг сабаби нимада? Ўзбекистон ўзининг географик жиҳатидан Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг манфаатлари тўқнашадиган минтақада жойлашган. Шу боисдан ҳам, биз муаммоларимизни ташқаридан кимдир ҳал қилиб бера олмаслигини, ватан равнақи ҳар биримизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ эканини теран тушуниб етмоғимиз зарур.

Барчамиз бир тан бир жон бўлиб, келажакка ишонч билан қараб, террорчиларнинг асл муддаоси ислом динини мустаҳкамлаш эмас, балки мустақил ўзбек халқини бошқаларга қарам қилиб қўйиш эканини ёшларга тушунтириб беришимиз — ғояга қарши ғоя билан курашишни изчил давом эттиришимиз лозим. Чунки ғаним ёшларни ўз таъсирига олишга, улар онгини заҳарлашга уринади. Йўлидан оздиришга муваффақ бўлганларининг қўлига қурол беради.

Аслида бузғунчилик, ҳокимиятни зўрлик билан ағдариб ташлаш каби ғоялар диний қадриятларимизга мутлақо ёт. Бунёдкорлик, сабр-қаноат каби юксак инсоний ғоялар билан суғорилган эътиқодимизни ҳар хил бузғунчи талқинлардан ҳимоялаб, бу борада ёшларни доимо огоҳликка чорлаб туриш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир. Мамлакатимизнинг тараққий этган давлатлар қаторига чиқариш ўз қўлимизда эканини унутмаслигимиз, мамлакат салоҳиятини юксалтириш учун тинчлик, барқарорлик зарурлигини ҳар биримиз юрагимиздан ҳис этишимиз керак.

**З. РАЖАБОВ,**
**Ғаллаорол тумани**




## СУВ БАЛОСИ

Якшанба куни АҚШнинг Нью-Йорк штатидаги Жорж кўлида “Shoreline Cruises” компаниясига қарашли “Ethan Allen” номли қайиқнинг чўкиб кетиши натижасида 21 нафар киши



ҳалок бўлди. Бу фалокат шу қадар тез содир бўлганки, қайиқдаги одамларнинг бирортаси қутқарув анжомини кийишга улгурмаган. Бироз вақтдан сўнг етиб келган қутқарув хизмати ходимлари қолган жабрдийдаларнинг жонига оро киришган. Чўкканлар орасида АҚШ ва Канада фуқаролари борлиги аниқланди.

Ҳозирда транспорт хавфсизлиги миллий ташкилоти томонидан ҳалокат сабаблари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Айрим маълумотларда айтилишича, қайиқнинг чўкиб кетишига кўлда сузаётган бошқа бир йирик қайиқнинг кучли сув тўлқинини вужудга келтиргани сабаб бўлган.

## СОТҚИН ДЕНГИЗЧИ

“Дейли Телеграф” ахборот манбасининг маълум қилишича, англиялик ҳарбий денгизчи қиморхонага қарзини тўлаш учун қанотли ракеталар ҳақидаги махфий маълумотлар ёзилган компьютер ноутбукни сотиб юборган. Бу ҳол АҚШ ҳарбий-денгиз флоти билан ҳамкорликда ўтказилган ўқув машғулотларида ошкор бўлган. Тергов чоғида айбдор қиморхонадаги 120 минг англия фунти миқдоридаги қарзини узиш учун компьютер пулидан ташқари сафдошларига қаҳва сотиб олишга ажратилган 230 фунтни ҳам ўғирлаганини тан олди. Бу қилмиш денгизчига қимматга тушадиган бўлди — у энди 1 йил қамоқда ўтириши баробарида хизмат унвони ва мукофотлардан маҳрум этилди.

## ТЕТЧЕР КЎРСАТМА БЕРАДИ

79 ёшли собиқ сиёсатчи Маргарет Тетчер АҚШда навбатдаги коррупция жанжалнинг юзага келишига сабабчиси бўлиши мумкин. “France Presse” ахборот агентлигининг тарқатган хабарига кўра, тергов-суриштирув идоралари эътибори унинг бундан беш йил бурун АҚШ Конгресида етакчилик қилган республикачилар партиясининг раҳбари Том Делей ўртасидаги муносабатларига қаратилган. Ҳозирги пайтда Делей партия мулкини ноқонуний хусусийлаштирганликда айбланмоқда. Президент Жорж Бушнинг энг яқин ҳаммаслагини икки йиллик қамоқ жазоси кутмоқда. Собиқ ҳукумат раҳбарлари вакилларининг айтишига қараганда, “темир хоним” судда бор-йўғи гувоҳ сифатида иштирок этади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Маргарет Тетчер олдин ҳам молиявий қаллобликлар юзасидан судга кўрсатма берган. Шу йил бошида жанубий Африка республикасида яшовчи ўғли Маркка нисбатан жиноий иш қўзғатилган ва суд унга 500 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлаш ҳамда 4 йиллик шартли қамоқ жазоси тайинланган эди. Ўшанда ҳам Маргарет Тетчер гувоҳликка ўтганди.

## БАЛИ ОРОЛИДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Дунёга машҳур дам олиш маскани яна террор нишонига айланди. Шанба куни бу ердаги 3 та гавжум ресторанда бир вақтнинг ўзида амалга оширилган портлашлар натижасида 27 нафар киши қурбон бўлган. 107 нафар дам олувчи жароҳатланган. Ҳалок бўлганларнинг ярми хорижий



сайёҳлардир. Ушбу портлашлар террорчи камикадзелар томонидан амалга оширилган.

Бу хунрезликни ким содир этгани номаълум бўлса-да, Индонезия ҳукумати уни “ислом жамоаси” диний экстремистик ташкилоти уюштирган деган тахминни билдирмоқда. Шунингдек, бу ишга алоқадор икки нафар Малайзия фуқаросининг исм-шарифи гумондор сифатида тилга олинмоқда. Бу фикрни экспертлар ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунки ушбу ташкилот олдин ҳам бир қанча портлашлар содир этган ва халқаро террорчи ташкилотлар билан мустаҳкам алоқага эга.

Munosabat



## НОБЕЛ МУКОФОТИНИНГ ЯНГИ СОҲИБЛАРИ



Австралиялик тиббиётчи олимлар Бэрри Маршал ва Робин Уоррен “Hellicobacten Pylori” деб номланган янги микроорганизмни кашф этишгани ҳамда унинг ошқозон яраси ва ўн икки бармоқли ичак яллиғланишидаги ўрни борасидаги тадқиқотлари учун Нобель мукофотига лойиқ топилдилар. Бу йилги мукофот жамғармаси қиймати миллион доллардан ортиқ, деб ёзади “Ru” газетаси. Ўтган йили бу мукофотга америкалик тиббиётчи олимлар Ричалд Аксел ва Линда Бак инсон гени билан боғлиқ оламшумул кашфиётлари учун сазовор бўлишган эди.

**Ғуломжон ҒАФФОРОВ**

Qonun dastagi

# УСТАСИ ФАРАНГ “ТАДБИРКОР”ЛАР

***Данғаралик Алижон Маҳкамов кўпдан буён тадбиркор бўлишни кўнглига тугиб юрар, бунинг учун бироз сармоя ҳам жамғариб қўйганди. Эзгуликнинг эрта-кечи бўлмайди, деганларидек, Данғара туман ҳокимининг 2000 йил 31 январдаги қарори билан Олахамак қишлоғида унинг “Юксалиш-Р” хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ташкил этилди.***

Фирма фаолиятни “Дўстлик” хўжалигида ижарада туриб бошлади. Низомга мувофиқ автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар ва автомобиллар билан савдо қилиш, улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланиш, гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш фирманинг фаолият турлари, деб белгиланди.

2002 йил охирларига келиб “Дўстлик” хўжалигининг мажмуаси сотиладиган бўлди Табиийки, Алижон биринчи харидорлардан бўлиб орага тушди ва вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг 2002 йил 11 декабрдаги буйруғига биноан мажмуани сотиб олди. Мажмуанинг мулкий қиймати 320 миллион сўмга, фирма 2000 йилдан буён хўжаликда ижарада тургани боис 1.321.438 сўм ижара ҳақи ҳам қўшилиб, жами 321.321.438 сўмга баҳоланди. Шундан 100.000.000 сўми инвестиция мажбурияти сифатида киритилиши лозим бўлиб, қолган 220 миллион сўм бино ва иншоотлар ҳақи сифатида давлатга тўланиши керак эди. Харидор давлатга тўланиши шарт бўлган сумманинг 10 фоизи — 22 миллион сўмни бир ой ичида, қолган 90 фоизини икки йил давомида, яъни 2003 йилнинг 20 декабригача 45 фоизини (99 миллион сўм), 2004 йилнинг 20 декабригача яна 45 фоизини (99 миллион сўм) тўлаши зарурлиги ҳам буйруқда уқтирилди. А.Маҳкамов дастлабки 10 фоизли тўловни бажарди ва мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қонун-қоидага мувофиқ, мулкни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери тўлов тўлиқ амалга оширилгандан сўнг берилади. Аммо А.Маҳкамов ордерни олмай туриб, “фаолият”ини бошлаб юборди: дастлаб ун цехи, мажмуа биносини, бошқа биноларининг шиферлари, бинолардан кўчириб олинган пишган ғиштлар, қассобхона, омбор ва айвонларни бузиб сотди. Бу ҳолдан ташвишланган вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси мутасаддилари уни мажмуа биноларини бузмаслик, буйруқ талабларини тўғри бажариш хусусида оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантиришди. Бироқ қайта-қайта огоҳлантиришлар унга кор қилмади. Аксинча, у янада каттароқ “иш”га қўл урди. Яъни бир неча юз бош чўчқа боқиладиган биноларни, иситиш қурилмаларини, токарлик дастгоҳи, чорва молларини сотиб юборди.

*(Давоми тўртинчи бетда)*

